2009 ЙИЛ 8 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 197 (11.508)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Тинчлик ва дўстлик рамзи 2200 2009 ТОШКЕНТ

**Икки кун давомида Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида шаҳар бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда шаҳримиз аҳолисининг банд бўлмаган қатлами кенг иштирок этди.**



Бандлик

## ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК АСОСИДА




Ташкилотчилардан олинган дастлабки маълумотларга кўра, туман ҳокимликлари ва пойтахтимиздаги деярли барча маҳалла фаоллари кўмагида 14 мингга яқин вақтинча ишсизлар ушбу ярмарка давомида шаҳримиз меҳнат бозори билан танишиш имкониятига эга бўлишди. Турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар томонидан кўплаб мутахассисликлар бўйича 15 мингдан зиёд иш жойлари таклиф этилди.

Ярмаркага ташриф буюрган ҳар бир киши авваламбор тадбирнинг ҳақиқатан ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилганлигини, унинг икки томон иштирокчиларига — банд бўлмаган аҳоли, жумладан Қуролли Кучлар сафидан заҳирага бўшатилган фуқаролар, олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, амнистияга тушган ва жазо муддатини ўтаб қайтган шахслар учун ҳам, бевосита иш берувчилар учун ҳам етарли шарт-шароитлар яратилганини яққол кўрди десак, муболаға бўлмайди.

— Фуқароларимизни бу галги меҳнат ярмаркасига аҳоли бандлиги бўйича олдиндан ўтказилган мониторинг асосида жалб этишга ҳаракат қилдик, — дейди Собир Раҳимов тумани бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари Музаффар Муҳаммадиев. — Икки кун давомида туманда фаолият юритаётган 20 та корхона ва ташкилот 623 та бўш иш ўринларини тавсия этган бўлса, икки мингдан зиёд киши қизиқиш билдирди, уларнинг кўпчилигига йўлланмалар ҳам берилди. Иш берувчилар – бу асосан йирик ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда ўз фаолиятини шу йилдан бошлаган хизмат кўрсатиш соҳасига ихтисослашган субъектлардир. Эътиборли томони, ярмаркада бевосита қатнашган кўплаб иш берувчилар ўз имкониятларини кўргазмали равишда тавсия этиш билан бирга, фуқароларимизга касб-кўникма масалаларида ҳам етарлича маълумот беришди.

— Бундан икки ой аввалги шаҳар ярмаркасида мен «Мирсазава» хусусий корхонасига йўлланма олиб, ишга жойлашгандим ва бунда Яккасарой тумани бандликка кўмаклашиш марказининг кўмаги айни муддао бўлганини алоҳида айтмоқчиман. Ҳозирда ўз мутахассислигим бўйича ҳисобчи вазифасида ишлаяпман. Ўз ишимдан жуда мамнунман, — дейди Нафиса Дамирова. — Кимгадир қизиқ туюлиши мумкин, аммо бу сафар ярмаркада корхонамизда мавжуд бўлган бўш иш ўринларига қизиқиш билдирганларга ўз тавсияларимни беришга ҳаракат қилдим. Назаримда, бу ўз натижасини беради... Ёш мутахассис сифатида тенгдошларимни яхши тушунаман. Фурсат келган экан, уларга ўз мисолимда ишга кўникма, моддий манфаат, касбга қизиқиш турлича бўлишига қарамай, келажакда яхши мутахассис бўлиб етишишлари учун давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиш лозимлигини эслатиб ўтмоқчиман. Йўлланма олган ўғил-қизлар эртага доимий иш билан таъминланса, биринчи галда оиласига қут-барака олиб киради, ўзининг ҳам моддий манфаатини қондира олади. Ҳар бир ишда тажриба эса, табиийки, вақт, сабр, чидам орқалигина орттирилади...

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, икки томон манфаатлари ифодаси бўлган бундай тадбирларнинг самарали натижалари тобора ошиб бормоқда. Улардан кўзланган мақсад эса банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашга эришишдир.

**Муқаддас УМАРБЕКОВА**

**СУРАТЛАРДА: Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасидан лавҳалар.**

**Абдувоҳид Тўраев (ЎзА) олган суратлар**

## Аҳмад бин Абдунаби Маккий:

## «ЎЗБЕКИСТОНГА САРМОЯ КИРИТИШ КЎП ЖИҲАТДАН САМАРАЛИДИР»

**Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Уммон Султонлигига амалга оширган ташрифи, Ўзбекистон — Уммон муносабатларининг ривожланиши ва чуқурлашуви хорижий мамлакатлар ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлилчи, ишбилармон доира вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотмоқда.**

**«Oman News Agency» ахборот агентлиги** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Уммон Султони Қобус бин Саид билан Султон саройида бўлиб ўтган музокаралари ҳақидаги хабарида учрашув давомида давлат раҳбарлари икки биродар мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг барча жабҳаларини, Уммон ва Ўзбекистон халқлари манфаатларини илгари суриш йўлларини атрофлича кўриб чиқишгани, шунингдек музокара кун тартибига киритилган қатор минтақавий ва халқаро масалаларни муҳокама қилишганини қайд этади.

Агентлик Султон Қобус бин Саид Ўзбекистон Президенти ва делегацияси шарафига Султон саройида расмий қабул маросими уюштиргани ҳақида ёзади. Расмий қабул маросимида Уммон Давлат Кенгаши ва ал-Шура Мажлиси раислари, Султонлик қуролли кучлари қўмондонлари ва Султонлик полицияси раҳбарлари, Давлат Кенгаши ва парламентнинг амалдаги аъзолари, дипломатия корпуслари вакиллари, Ташқи ишлар вазирлиги раҳбар ходимлари, қатор шайхлар ва Масқат шаҳри губернаторлигининг юқори даражали амалдорлари, оммавий ахборот воситаларининг бош муҳаррирлари ва бошқалар иштирок этишди.

**“Oman News Agency”** ўзининг навбатдаги хабарида Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов ташрифи доирасида Султонлик ҳукумати ва Ўзбекистон томони давлатлар, ҳукуматлар ва идоралараро бир қатор ҳужжатларни имзолашганини қайд этади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Уммон Султонлигига қилган ташрифи якуни бўйича Қўшма баёнот қабул қилинди.

Томонлар имзолаган битимлар ва меморандумлар қаторига Ўзбекистон Республикаси ва Уммон Султонлиги ўртасида Ҳамкорлик ва ўзаро муносабатлар асослари тўғрисидаги битим, Савдо ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим, шунингдек Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги вакиллигидаги Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Уммон ҳукумати ўртасида ўзаро англашув Меморандуми, Туризм вазирлиги вакиллигида Туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми, Ҳаво қатнови тўғрисида битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Уммон инвестиция жамғармаси ўртасида “Навоий” ЭИИЗ ҳудудида янги мева ва сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга оид лойиҳани амалга ошириш тўғрисида ўзаро англашув меморандумларни санаб ўтиш мумкин.

“Икки мамлакат, шунингдек, Уммон Султонлиги ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида Икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш ва даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишга йўл қўймаслик тўғрисидаги битимга қўшимчалар киритиш тўғрисида қўшимча протокол имзолашди. Томонлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Уммон Султонлиги Молия вазирлиги ўртасида меморандум имзолашди” — дейилади агентлик хабарида.

Шунингдек мамлакатлар Уммон нефть ва газ компанияси ва “Ўзбекнефтегаз” миллий холдинг компанияси ўртасида иккита битим ва учта меморандум имзолашга эришдилар.

Уммон миллий иқтисодиёт вазири Аҳмад бин Абдунаби Маккийнинг таъкидлашича, Султон Қобус бин Саид жаноби олийлари ва Президент Ислом Каримов ўртасида бўлиб ўтган музокаралар сиёсий қарашларнинг яқинлиги ва ўзаро манфаатларни илгари суриш мақсадида Тошкентда Уммоннинг элчихонасини очиш орқали икки томонлама ҳамкорликни фаоллаштиришдан томонларнинг ўзаро манфаатдорлигини намойиш этди.

(Давоми 2-бетда).

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ЯККАСАРОЙ** туманидаги 25-махсус меҳнат таълими мактабида ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигини сақлаш бўйича «Диний ақидапарастлик ва терроризм — аср вабоси» мавзуида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир Маънавият тарғибот марказининг Яккасарой туман бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.

✓ **БУГУН** «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Одам савдоси — аср вабоси» деб номланди.

✓ **БУГУН** Миробод туманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйида бадиий ҳаваскорлик жамоалари, тўгараклар, курслар раҳбарлари, қатнашчилари иштирокида «Ҳунарли хор бўлмас» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг мажлиси бўлиб ўтди.**
- **Кеча Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида «O'BEK in PRINT», «O'ZUPAK» ҳамда «O'ZREKLAMA-2009» XI халқаро кўргазмалари ўз ишини бошлади. Ушбу халқаро кўргазмаларда 60 дан ортиқ маҳаллий компаниялардан ташқари, ўнлаб давлатларнинг етакчи ишлаб чиқарувчи корхоналари матбаачилик технологиялари, асбоб-ускуналари ва тайёр маҳсулотлари билан қатнашмоқда.**
- **Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида «Шаҳрисабз юлдузи» номли янги меҳмонхона фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон ва Польша давлатларининг туризмни ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлиги маҳсули бўлган меҳмонхонада сайёҳларга юксак даражада хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган.**
- **Республика Агробанки Наманган вилояти бўлимининг молиялаштириши асосида Тўрақўрғон туманидаги Шаҳанд қишлоғида трикотаж матосини ишлаб чиқаришга ихтисослашган МЧЖ «Инвест текс-АВ» ўз фаолиятини бошлади. Ўз маҳсулотини хорижга экспорт қилаётган ушбу корхонада ҳозирда 40 га яқин киши фаолият кўрсатмоқда.**
- **Ишлаб чиқариш участкаларини модернизациялаш «Жиззахдонмаҳсулотлари» акционерларига маҳсулот сифатини оширишга имкон яратди ва уни сотиш муаммосини ҳал этди. Жумладан, ўтган йилга қиёслаганда ун ва дон маҳсулотлари, шунингдек, нон-булочка ва макаронлар, шарқ ширинликларини ишлаб чиқариш ҳажмлари 150 фоизга ошди.**
- **Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали-драма театрида 79-театр мавсуми янги «Минг бир кеча» спектакли билан очилди.**
- **Сўх туманида Фарғона политехника институти қошидаги академик лицей фойдаланишга топширилди. Тоғда жойлашган Равон қишлоғида жаҳон стандартлари асосида қад ростлаган ушбу янги ўқув муассасаси 540 ўқув ўрнига мўлжалланган.**
- **Навоий тоғ-металлургия комбинатига қарашли «Дўстлик» агрофирмаси жамоаси ишлаб чиқаришни кенгайтириш йўлида изланиш олиб бориб, «Сумалак» ширинлигини яратди. Яқинда ушбу ширинликни тайёрлаш учун янги цех қурилди. Натижада 10 нафар йигит-қиз иш ўрнига эга бўлди.**

### ЖАҲОНДА

- **Молдавия парламенти кеча президентлик сайловларини жорий йилнинг 23 октябрида ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.**
- **Ирландия тарихида илк бор мамлакат парламентининг спикери ўзининг истеъфога чиқишини маълум қилди. Келгуси ҳафтада спикер депутатлар олдида ўз истеъфосини асослаб бериши лозим бўлади.**
- **Германиядаги Бремен университетида ЮНЕСКО шафелиги ва Европа Иттифоқини минтақавий ривожлантириш фонди, шунингдек, бир қатор маҳаллий ташкилотлар кўмагида халқаро «Тиллар фестивали» бўлиб ўтди. Ушбу йирик анжуманда жаҳоннинг 60 мамлакатидан тилшунос олимлар, шоирлар ва лингвистлар иштирок этди.**
- **Польша Бош вазири Д.Туск икки нафар вазирнинг истеъфога чиқарилганлигини маълум қилди. Шунингдек, коррупцияга қарши махсус хизмат бошлиғининг ҳам тез орада ўз вазифасидан кетишини билдирди.**
- **Форс кўрфази мамлакатлари Хитой, Россия, Япония ва Франция билан ҳамкорликда нефть савдосида АҚШ доллари муомаласидан воз кечиш режаси устида иш олиб бормоқда. АҚШ доллари ўрнини эса евро, иена, юан ёки олтин, шунингдек, Саудия Арабистони, Абу-Даби амирлиги, Қувайт ва Қатар ҳамкорликда яратмоқчи бўлаётган янги валюта эгаллаши мумкин.**
- **Ҳужайрада оқсилнинг синтезини таъминловчи молекуляр машиналарнинг тузилмаси ва вазифасини аниқлаган уч нафар олим — Буюк британиялик Венкатраман Рамакришнан, америкалик Томас Стейц ва исроиллик Ада Йонатлар 2009 йилги химия бўйича Нобель мукофотининг соҳиблари бўлишди.**
- **НАТОнинг Афғонистондаги қўмондонлиги мамлакат шарқида жангариларга қарши ҳарбий амалиёт ўтказилганини маълум қилди. Яқинда шу ҳудуддаги НАТО қароргоҳига уюштирилган ҳужумга жавобан Нуристон музофотида ташкил этилган мазкур тадбирда юздан ортиқ жангари йўқ қилинган.**
- **Ингушетиянинг Қорабулоқ шаҳрида мактабда террорчилик ҳаракатини амалга оширмоқчи бўлган гранаталарга эга уч нафар қуролли киши қўлга олинди. Дастлабки маълумотларга кўра, ҳибсга олинганлар ўрта мактаблардан бирини миналаштиришни режалаштиришган.**

### Аҳмад бин Абдунаби Маккий:

# «ЎЗБЕКИСТОНГА САРМОЯ КИРИТИШ КЎП ЖИҲАТДАН САМАРАЛИДИР»

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

А.Маккий "Ўзбекистонга инвестиция киритиш кўп жиҳатдан самаралидир, зеро мамлакат Марказий Осиёниг қоқ марказида жойлашган, қолаверса у жадал иқтисодий ўсиш суратларини намойиш этмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон нефть ва газ каби табиий қазилмаларга, қишлоқ хўжалик ресурслари ва инсон салоҳиятига бой ўлка. Султонликда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам сиёсий барқарорлик, хавфсизлик сақланмоқда, иккала мамлакат ҳам географик жойлашув жиҳатдан муҳим стратегик ўринда жойлашган ва сармоявий жозибадорликка эга", — дея қайд этади.

**"Times of Oman"**нинг хабарига кўра, инвестицияларни рағбатлантириш ва икки томонлама савдо-сотиқни фаоллаштириш икки биродар мамлакат ва улар халқларининг манфаатларига хизмат қилади. Нашрнинг таъкидлашича, музокаралар якунига кўра томонлар икки томонлама муносабатларда эришилган натижадан ўзаро қониқиш ҳосил қилганини билдиришган.

Томонлар, шунингдек, миллий ва халқаро меъёрлардан келиб чиққан ҳолда ўзаро ҳурмат, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилларига асосланган икки давлат манфаатларига дахлдор минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Бундан ташқари, улар минтақавий ва халқаро муаммоларни тинч йўл билан ҳал этишга чақирдилар.

Томонлар иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, икки томонлама савдо айланмаси ҳажмини оширишга йўналтирилган битимларни амалга ошириш учун икки мамлакатда хусусий тармоқни ривожлантиришни рағбатлантириш муҳимлигини таъкидладилар.

Покистоннинг машҳур **"Plus News Pakistan"** нашри Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Уммонга қилган давлат ташрифи тўғрисида сўз юритиб, бу масалада "Султонлик саройи девонхонаси тарқатган хабарда келтирилишича, мазкур ташриф Уммон Султонининг таклифига билдирилган жавоб бўлиб, Ўзбекистон билан Уммон ўртасидаги икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатдан янги поғонага олиб чиқишга хизмат қилади. Ташриф икки давлат раҳбарларининг икки биродар халқ манфаатлари йўлида хизмат қилишга бўлган интилишининг натижаси ҳисобланади ва халқаро майдонда содир бўлган сўнгги воқеаларни муҳокама этишга қулай имконият яратади", — деб ёзади.

**"Ал-Холиж" газетаси (БАА)** Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Уммон Султони ўртасида ўтказилган музокаралар жараёни ва якунларини кенг ёритди. Хусусан унинг хабар беришича, Султонлик раҳбарияти Ўзбекистон билан дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва барча соҳаларда ҳамкорликни жадаллаштиришга катта қизиқиш билдирган.

**"Ал-Жазира" газетаси (САҚ)** тарқатган ахборотда айтилишича, Ўзбекистон араб дунёси билан алоқаларни изчил ривожлантиришни давом эттирмоқда. Ўзбекистон ташқи сиёсатида Уммон муҳим ўрин тутади. Жуғрофий жиҳатдан бир-биридан олисда жойлашган бўлишига қарамасдан, ушбу мамлакатларни муштарак тарихий илдизлар бирлаштириб туради. Масқатнинг Тошкентда Уммон Султонлиги элчихонасини очиш борасидаги нияти томонларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлик доираларини кенгайтиришга бўлган интилишидан далолатдир. Шунингдек, Уммон раҳбарияти Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг етакчи давлатлардан бири сифатида эътироф этиши қайд этилади.

Араб мамлакатлари ахборот агентликларининг ягона тизими бўлган **"ал-Холиж фил Иълом"** "Ўзбекистон билан Уммон Султонлиги ўртасидаги муносабатларнинг муштарак илдизлари" сарлавҳали мақолани чоп этди. Унда таъкидланишича, Уммоннинг ҳозирги раҳбарияти тарихий, жуғрофий ва диний илдизлар бирлаштириб турувчи мусулмон олами мамлакатлари билан ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Шу маънода Уммон Султонлигининг кўҳна тарих ва маданиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро муносабатлари устувор аҳамият касб этиши шубҳасиз. Зеро, ҳозирда ҳар бир мусулмон кишиси ислом тарихи орқали Ўзбекистоннинг Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива каби машҳур шаҳарлари номларини билади. Айнан ушбу мамлакат бутун дунёга мусулмон цивилизацияси ва фани тарихида чуқур из қолдирган ал-Бухорий, ал-Хоразмий, ал-Беруний, Ибн Сино, аз-Замахшарий, ат-Термизий каби умумэътироф этилган олимлар ва мутафаккирларни етиштириб берган.

Яна таъкидланадики, бугун дунёда иқтисодий жиҳатга асосланган икки томонлама алоқалар халқаро муносабатларда устувор ўринни эгаллайди. Шу маънода Уммон Султони Қобус бин Саид ва Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўртасида бўлиб ўтган олий даражали музокараларда Ўзбекистон ва Уммон халқлари фаравонлиги йўлида икки дўст мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари муҳокама қилинди.

Агентлик тарқатган хабарда айтилишича, иккала мамлакат иқтисодиётлари ўзаро бир-бирини тўлдириши сармоявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун кенг имкониятлар очади.

**«Omanobserver»** нашрида чоп этилган «Ўзбекистон-Уммон: икки томонлама муносабатларда янги босқич" сарлавҳали мақола Ўзбекистон-Уммон алоқаларига бағишланган. Унда таъкидланишича, сўнгги йилларда Ўзбекистон-Уммон муносабатлари ўз ривожланишининг янги даврига қадам қўйди. Савдо айланмаси ҳажми 2009 йилнинг январь-июнь ойларида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан етти бараварга ошди.

Нашрнинг қайд этишича, "Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Султон Қобус зоти олийлари таклифига кўра Уммон Султонлигига амалга оширган давлат ташрифи, шубҳасиз, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очади. Яна шуни комил ишонч билан айтиш мумкинки, ташриф асносида имзоланган ҳужжатлар икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилади.

Нашрнинг таъкидлашича, Ўзбекистон ва Уммон ўзаро савдо-сотиқни диверсификациялаш ва кенгайтиришга интилмоқда. Ўзбекистон ва Уммонда миллий кўргазмалар ва ярмаркаларнинг ўтказилиши юридик шахслар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатишга ва ўзаро тижорий алоқаларни кенгайтиришга замин яратади.

Агентликнинг таъкидлашича, икки томонлама алоқаларни янада фаоллаштириш борасида етарли имкониятлар мавжуд. Хусусан, улар қаторида инвестиция, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий, нефть ва газ соҳасида, кимёвий ва нефть-кимё саноати, металлургия, таълим ва туризм соҳаларидаги ҳамкорликни санаб ўтиш мумкин. Уммоннинг йирик компанияларини Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонасида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этиш имконияти мавжудлиги айниқса қизиқтирмоқда.

**Озарбойжоннинг «Тренд» ахборот агентлиги**нинг хабар беришича, Масқатга давлат ташрифи билан келган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Уммон Султони Қобус бин Саид билан учрашди ва Ўзбекистон ва Уммон раҳбарлари иккитомонлама алоқаларни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик бўлган масалалар юзасидан фикр алмашишди. Президент Ислом Каримов Ўзбекистоннинг Уммон Султонлиги билан ривожланиб бораётган алоқаларни юқори баҳолашини таъкидлади. У ушбу учрашув томонлар учун ўзаро манфаатли бўлган масалаларни муҳокама қилиш учун қулай имконият эканини қайд этди.

Агентлик хабарида Уммон Султони Қобус Бин Саиднинг "Ўзбекистон раҳбарининг Уммонга давлат ташрифи тарихий воқеа бўлиб, икки томонлама олий даражали учрашувларнинг бошланганидан далолат беради" деган сўзларини келтиради.

"Музокаралар якунида икки мамлакатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини чуқурлаштиришга мўлжалланган қатор ҳужжатлар имзоланди. Учрашув чоғида эришилган келишувлар иккитомонлама ҳамкорликнинг янги босқичи шаклланиши учун хизмат қилишига ишонч билдирилди. Ислом Каримовнинг Уммонга амалга оширилган музкур илк ташрифи сўнгги йилларда Ўзбекистон-Уммон муносабатларининг фаоллашуви руҳида бўлиб ўтди", — дея қайд этади «Тренд».

Озарбойжон агентлиги таъкидлайдики, "Ўзбекистон ва Уммон улкан ёқилғи-энергетика салоҳиятига, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида катта тажрибага эга. Нефть ва газ соҳаларида қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қишлоқ хўжалигида тажрибалар ўтказишдан ҳар иккала томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди. Икки мамлакат ҳам сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида яхши имкониятларга эга. Хусусан, Уммонда Ўзбекистоннинг тарихий обидалари, муқаддас қадамжоларини зиёрат қилишга қизиқиш катта».

**Россиянинг "REGNUM" ахборот агентлиги**нинг хабарига кўра, Ўзбекистон раҳбарининг Уммон Султонлигига илк ташрифи инвестиция соҳасидаги ҳамкорликнинг фаоллашувига жиддий туртки бўлди, Ўзбекистон ва Уммон ҳукуматлари инвестицияларни ўзаро муҳофаза қилиш ҳамда икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишга йўл қўймаслик тўғрисидаги битимлари имзоланди.

Охирги йилларда Ўзбекистон-Уммон ҳамкорлигидаги ижобий саъй-ҳаракатлар томонларнинг делегациялар алмашуви фаоллашганида ҳам кўринади.

Агентликнинг хабарига кўра, «Уммон араб дунёсидаги энг нуфузли ва обрўли давлатлардан бири саналади. Ўзбекистон учун ушбу мамлакат билан ҳамкорлик қилиш араб мамлакатлари билан муносабатларни мустаҳкамлашнинг янги имкониятларини очади. Ўз навбатида, Уммон Ўзбекистонга минтақанинг бошқа давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш уфқларини кенгайтирувчи Марказий Осиёдаги етакчи давлат сифатида қарайди».

**«Жаҳон» АА**

Алоқа

## КОРХОНАДА ЛАБОРАТОРИЯ

**«УзинфоКом» давлат унитар корхонаси маркетинг тадқиқотлар олиб боришда қатор ютуқларни қўлга киритмоқда. Бу ерда «Ахборот тизимлари, тармоқлари ва воситаларида ахборот хавфсизлигини баҳолаш» лабораториясининг бунёд этилиши корхона фаолиятини янада кенгайтириш имконини берди.**

Эндиликда лаборатория республикамизда ахборот хавфсизлиги йўналиши бўйича аттестация тизимини шакллантириш масаласи билан ҳам шуғуллана бошлади. Шунингдек, мутахассислар малакасини ошириш тадбирлари ҳам кўрилди.

## НАМУНАЛИ ХИЗМАТ

**«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали орқали маълумот-ахборотлар хизмати ҳам намунали ташкил этилмоқда.**

09,009 рақамдаги маълумотлар хизматига мурожаат қилувчилар қисқа муддат ичида саволларига тўлиқ жавоб олишмоқда.

Шунингдек, мижозлар телефон тармоғининг сервис хизматлари орқали об-ҳаво, аниқ вақт, шаҳар телефон тармоғи фаолияти ҳақида ҳам маълумотга эга бўлмоқдалар.

## МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИЛАР

**Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг буйруғи билан бир гуруҳ алоқа ходимлари «Моҳир алоқачи» фахрий унвони билан тақдирланди.**

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Тош ТТС» филиали йўлдош алоқа цехи бошлиғи Мунаввар Қодирова ҳам бундай ишончга сазовор бўлди.

Филиалнинг станциялараро алоқа боғламаси бригада бошлиғи Камол Валиев ҳам «Моҳир алоқачи» деган ном эгаси бўлди.

**Акбар АЛИЕВ**

## ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ ТАДБИР

**Чилонзор туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман Маънавият тарғибот маркази, Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, Истиқболли авлод ёшлар ахборот маркази ҳамкорлигида Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Ўзбекистонда одам савдосига қарши курашиш» мавзусида туман талаба ёшлари иштирокида акция ўтказилди.**

Таъкидлаш жоизки, одам савдоси — куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёҳуд бошқа мажбурлаш шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш ёки бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш, одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш, одамлардан мажбурий меҳнат ёки хизматларни бажаришга жалб этиш, қуллик ёки қулликка ўхшаш эрксиз ҳолатларга солиш ёҳуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида туманда олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Туман ёшлари орасида тушунтириш ишлари олиб бориш, чет давлатларда ишлаш ёки ўқиш учун кетаётганда нималарни ёдда тутиш кераклиги, яъни меҳнат шартномалари тузиш, никоҳ агентликлари, интернет орқали танишув, хорижга қонуний йўллар билан чиқиш имкониятлари бўйича маърузалар қилинди.

Тадбир давомида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

**(Ўз мухбиримиз)**







Кўргазмалар

## ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

**Шаҳримиздаги муҳташам «Ўзэкспомарказ» мажмуасида уч кун давомида «UZMEDEXPO-2009» Халқаро ихтисослашган тиббиёт кўргазмаси иш юритди.**

Мазкур кўргазмани IEB Ўзбекистон кўргазмалар компанияси ташкил этиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Чет эл фармацевтика компания ва ишлаб чиқарувчиларининг юртимиздаги ваколатхоналари ҳамда дори-дармон акциядорлик компанияси ушбу тадбирнинг расмий қўллаб-қувватловчилари бўлишди.

Юртимизда иккинчи бор ўтказилаётган халқаро ихтисослашган тиббиёт кўргазмасининг муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Боиси, давлатимиз томонидан кейинги йилларда тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар: аҳоли соғлиғини сақлашда тиббий хизматнинг сифатини яхшилаш, замонавий ташхис қўйишни такомиллаштириш, касалликнинг олдини олиш ва даволашда муҳим омил ҳисобланади. Халқаро миқёсидаги кўргазмада жаҳон тиббиёт саноатининг пешқадамлари иштироки айниқса, қувонарлидир

Кўргазмани айланар экансиз, павильондан жой олган соғлиқни сақлаш соҳасидаги замонавий технологиялар, тиббиёт техника ва ускуналари, дори-дармон воситалари ва уларни ишлаб чиқариш, электр тиббиёт, ультратовуш, гентгенологик жиҳозлар, ташхис ва лаборатория ускуна ҳамда жиҳозлари бўлимлари айниқса диққатингизни ўзига тортади.

Шунингдек, стоматология ва материаллар, санитария, дезинфекция ва гигиеник воситалар, реабилитация ускуналари ва тренажёрлар, тиббиёт кийимлари ва ортопедик маҳсулотлар бўлимлари кўргазмага ташриф буюрувчиларнинг алоҳида эътиборида бўлди.

Бундан ташқари, ташкилотчиларнинг самарали саъй-ҳаракатлари туфайли тиббиёт мебеллари, дорихоналар учун махсус жиҳозлар, боғлаш материаллари, даволовчи косметика, биологик фаоллаштирувчи ва озиқа қўшимчалари, тиббий соғломлаштирувчи маҳсулотлар ҳамда дам олиш ва даволовчи масканлар ҳақида ҳам тўлиқ, қизиқарли маълумотларга эга бўлиш имкониятлари яратилган.

Энг муҳими, халқаро кўргазмада маҳаллий ва хорижий компания, ташкилот, хусусий клиника, даволаш муассасалари, ишлаб чиқарувчилар ҳам ўз маҳсулотлари ва хизмат турларини намойиш қилишди. Белоруссия, Россия, Германия, Жанубий Корея, Италия, Хитой, Ҳиндистон, Швейцария давлатларидан етакчи компаниялар (иштирокчиларнинг деярли 50 фоизи хорижликлар) эса энг замонавий тиббий ускуналари билан қатнашишди. Масалан, ишлаб чиқарувчилардан «Магнум-медикалсервис», «AB FORM SISTEM» масъулияти чекланган жамиятлари, «Техноинвест-ST» қўшма корхонаси, «Texkomplus tib savdo» хусусий корхонаси, «Медикал косметика» ва бошқалар стендлари алоҳида ажралиб туради.

Шунингдек, «UZMEDEXPO-2009» кўргазмаси доирасида, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги кўмагида «Тиббиётда замонавий технологияларни қўллаш» мавзуида семинар ўтказилди.

Мухтасар қилиб айтганда, бу каби нуфузли кўргазмалар эзгу мақсадга хизмат қилади. Яъни бундай улкан халқаро тадбирларни республикамиз тиббиёт тармоғига замонавий технологияларни жорий қилишда, асосийси, элимиз саломатлигини мустаҳкамлашдаги илдам қадам, деб ишонч билан айтиш мумкин.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.**

**Алексей Попов олган суратлар**

## ЭКОЛОГИЯ ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

**Жаҳон оммавий ахборот воситалари дунёнинг турли ҳудудларида рўй бераётган табиий офатлар, уларнинг оғир оқибатлари хусусида ташвишли хабарлар тарқатмоқда. Сайёрамизда рўй бераётган глобал иқлим исиши туфайли келиб чиқаётган бундай экологик бўҳронлар минглаб инсонларнинг умрига зомин бўлмоқда, ижтимоий-иқтисодий ва экологик вазиятга жиддий зиён етказмоқда.**

Бундай экологик муаммолар бутун дунёда инсон саломатлигига, эпидемиологик вазият барқарорлигига ҳам жиддий таҳдид солаётир. Бунинг натижасида юрак қон-томир, нафас йўллари, аллергик ва асаб тизими хасталиклари, турли юқумли касалликлар авж олиши кузатилаётир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бундай вазиятда иқлим ўзгаришининг инсон саломатлигига етказадиган зарарини чуқур ўрганиш ва унинг таъсирини камайтириш билан боғлиқ тавсияларни илгари сурмоқда. Мазкур халқаро ташкилотнинг Европа минтақавий бюроси томонидан амалга ошираётган халқаро лойиҳада мамлакатимиз вакиллари ҳам фаол иштирок этаётир.

Пойтахтимизда иқлим ўзгаришининг инсон саломатлигига таъсирини баҳолаш ва соғлиқни сақлаш тизимининг фаолиятини ушбу йўналишга мослаштириш миллий режасини ишлаб чиқиш масалаларига бағишланган халқаро анжуманда шулар ҳақида гап борди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Б.Ниёзматов, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари М.Таяд, БМТнинг мамлакатимиздаги доимий вакили А.Ниродн Ўзбекистонда экологик вазиятни барқарорлаштириш, тиббиёт тизимини такомиллаштириш, аҳолининг тиббий-экологик маданиятини юксалтириш борасида бажарилаётган дастур ва лойиҳалар ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидладилар.

Мамлакатимизда жаҳондаги етакчи халқаро ташкилотлар, молия муассасалари ҳамкорлигида амалга оширилаётган "Саломатлик-2" лойиҳаси доирасида бирламчи тиббиёт масканлари замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Оролбўйи ҳудудидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида бошланган халқаро анжуманда глобал иқлим исиши келиб чиқишига сабаб бўлган антропоген омиллар, иқлим ўзгаришининг инсон саломатлигига етказадиган салбий таъсирининг олдини олишга оид чора-тадбирлар, Марказий Осиёдаги экологик вазият, глобал иқлим исишининг минтақамизга таъсири ва унинг олдини олишга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар самаралари хусусида атрофлича фикрлашилди.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

